

МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ЎЗИГА ХОС АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Араббоев Шерзодбек Нейматуллаевич

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро суди судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12584734>

Аннотация. Мазкур мақолада Медиация институтининг ўзига хос афзалликлари ва унга таъсир этувчи омиллар ҳақида сўз боради. Мақола давомида асосли фикр ва мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Медиация институти, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, муқобил усуллар, натижа ва самарадорлик.

SPECIFIC ADVANTAGES OF MEDIATION INSTITUTION AND INFLUENCING FACTORS

Abstract. This article talks about the unique advantages of the Mediation Institute and the factors affecting it. Reasonable opinions and comments are mentioned throughout the article.

Key words: Mediation institution, socio-economic relations, alternative methods, result and efficiency.

КОНКРЕТНЫЕ ПРЕИМУЩЕСТВА ИНСТИТУТА МЕДИАЦИИ И ВЛИЯЮЩИЕ ФАКТОРЫ

Аннотация. В данной статье говорится об уникальных преимуществах института медиации и факторах, влияющих на это. Аргументированные мнения и комментарии упоминаются на протяжении всей статьи.

Ключевые слова: институт медиации, социально-экономические отношения, альтернативные методы, результат и эффективность.

Ҳар бир давлатда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида низоларни келиб чиқиши табиий ҳолатдир. Тарихий жараёнлар низоларни унинг иштирокчилари ўртасида ҳеч бир тарафга зарар етказмаган ҳолда ҳал этиш самарали усул эканлигини кўрсатди.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда вужудга келадиган низоларни ҳал қилишнинг энг кенг тарқалган оммавий усули бу суд йўли билан ҳал қилишдир. Лекин, низони суд ташқари ҳал қилишнинг муқобил йўллари ҳам борки, бунда келишмовчиликларни тезкор, қулай ва қўшимча харажатларсиз ҳал қилиш имконини беради.

Низоларни ҳал қилишнинг ана шундай муқобил усулларида бири бу медиация (воситачилик)дир.

Медиация нейтрал, мустақил субъект томонидан қарама-қарши томонларга ихтилофли вазиятни ҳал қилиш ва низони музокаралар ўтказишнинг ихтисослаштирилган коммуникатив, психологик ва бошқа усуллари орқали ҳал қилишнинг энг яхши ечимини топишда ёрдам беради. Медиациянинг хусусияти шундаки, у томонларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, уларга маъқул келадиган шароит ва усуллари белгилашда “олтин ўрталик”ни топиш муҳим аҳамият эгаллайди.

Мамлакатимизда ҳам сўнги йилларда низоларни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган турли усуллар, хусусан медиация институти амалиётини қўллашга эътибор кучаймоқда. Мазкур соҳани тартибга солишга қаратилган “Медиация тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Мазкур Қонунда Медиацияга қуйидагича таъриф берилган: Медиация – бу келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули сифатида тушунилади.

Низоларни суд аралашувисиз муқобил усуллар орқали ҳал қилиш амалиётини шакллантириш ва унинг қўллаш соҳасини кенгайтириш орқали мазкур соҳани такомиллаштириб бориш зарур. Чунки, медиация ўзининг моҳияти жиҳатидан давлатнинг судловига муқобил механизмдир.

Медиация тартиботини танлаш фуқаролик-ҳуқуқий низоларни ҳал этишда низолашаётган тарафлар - фуқаролар ва юридик шахсларнинг вақт йўқотмаслиги, шунингдек ортиқча суд тўловлари учун харажатларни тўловларни олдини олади. Бу эса тарафларга низоларни тез ва ортиқча сарф-харажат қилмаган ҳолда, ўзига қулай бўлган вақтда ва жойда, ўзига маъқул бўлган усул ва шароитларда, улар ўртасидаги муносабатларга таъсир кўрсатмаслиги, балки муносабатларни ўзаро давом эттириш имкониятини беради.

“Медиация” сўзи инглиз луғатида “Mediation” – ўрталик, ўртакашлик, низодаги ўрталик сифатида, латин тилида эса “Mediare” – воситачилик қилмоқ, ўртада турмоқ, орага кирмоқ маъноларини англатади.

Медиация сўзининг луғавий маъноларини умумлаштириб, ихтилоф, низони ҳал этишда воситачилик қилиш, ихтисослашган мулоқот, музокаралар олиб бориш усуллари билан бири сифатида тушуниш мумкин.

Таниқли олим Ц.Шамкалашвилининг таъкидланишича, медиация ўзининг умумий ғоялари бўйича архаик келиб чиқишга эга бўлиб, у низоларни вужудга келиши билан бир вақтда вужудга келган. Бунда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган учинчи тараф низолашаётган тарафларга ихтилофни мустақил равишда ҳал этиш имкониятини беради¹.

Медиацияни ўрганиш бўйича халқаро тадбирларда унинг самарадорлиги бўйича бир қатор маълумотлар келтирилади. Масалан, АҚШда мазкур процедурадан ўтган ишларнинг 95 фоизи суд муҳокамасигача етиб бормаган. Германияда медиациянинг кўрсаткичлари катта таассурот қолдиради – 90% дан кўпроқ музокаралар тарафларнинг келишув битими билан яқунланган. Қуйи Саксонияда самарадорлик 97% ни ташкил этади. Буюк Британияда 90-95% низоли ҳолатлар суд муҳокамасигача ҳал этилади. Европада медиациянинг самарадорлиги ўртача 40-80% ни ташкил этади².

Низоларни медиация жараёни орқали муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан ушбу жараёнда иштирок этаётган фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Ҳуқуқий маданият - бу шахснинг ҳуқуқий билимлари, эътиқодлари ва муносабатлари, шунингдек, жамиятнинг моддий ва маънавий қадриятларига бўлган муносабати. Можарони тинч, энг қулай шарт-шароитларни излаш йўли билан ҳал қилиш томонлардан муаммони муҳокама ва очиқ мулоқот орқали ва кўп ҳолларда энг самарали йўл эканлигини тушунишни талаб қилади.

¹ Шамкалашвили Ц. Медиация как метод внесудебного разрешения споров. М-2006. –С. 14.

² Ф.Отахонов. Низоларни муқобил ҳал қилиш. Тўплам. Тошкент2022 й. –В. 5

Медиациянинг ривожланиши ва шаклланиб бориши ҳисобига уни қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабатларнинг энг кенг тарқалган соҳалари оилавий, меҳнат муносабатлари, фуқаролик, маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлар, шу жумладан тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият билан боғлиқ муносабатларда келиб чиқадиган низоларга нисбатан қўлланилишидир.

Медиациянинг қўллаш соҳаларидан кутиладиган натижа ва самарадорлик нуқтаи назаридан медиациянинг афзаллик жihatларини санаб ўтсак:

- медиация низолашаётган томонлар ўртасида ўзаро хурмат муносабатларини шакллантиради, томонлари ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолиш ёки яхшилаш имконини беради, чунки у одамлар ўртасида ўзаро тушунишни ўрнатишга қаратилган.

- медиацияда ким ҳақ ва ким ноҳақлигини аниқлашга ёки ғалаба қозонишга қаратилган эмас. Бу жараёнда низони келтириб чиқарган айбдорни аниқлаш ва унинг жавобгарлик масаласи муҳокама қилинмайди ва ҳал этилмайди.

- медиация, судда деярли имконсиз бўлган муаммонинг ечимларини топишга имкон беради. Суд қарори иккала томон учун ҳам мажбурий қабул қилинади. Медиация тартиби эса ўзаро мурося тамойилига асосланади, бу эса натижага эришилгандан кейин ҳам томонлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолиш имконини беради.

- ортқча маблағ, ҳиссий куч ва вақтни тежайди. Низолар тез ҳал этилади. Суд қарорида керакли натижага эришиш учун бир нечта инстанциялардан ўтиш керак. Ҳар бири аввалгисининг қарорларини бекор қилиши мумкин ва жараён бир неча йил давом этиши мумкин.

Медиацияни қўллашда тортишувсиз ёки оддий низолар судга келтирилмайди. П. А. Астахов, воситачилик цивилизациялашган жамият тараққиётининг янги босқичи эканлигини таъкидлайди. Чунки медиация тўғри, қонуний ва ўзаро манфаатли муносабатда бўлишни ўргатади³.

Медиация энг аниқ ва ижобий натижалар беради. Ушбу тартиб туфайли томонларнинг ҳар бирининг манфаатлари қондирилади, чунки барча қарорлар адолатли, мақбул, ихтиёрий, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига мувофиқ бўлади. Медиация тартибида келишув битимига эришишнинг иложи бўлмаса, тарафлар низоли масалани ҳал этиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин.

Бозор муносабатлари шаклланган давлатларда вужудга келадиган низоларнинг энг кўп тарқалган тури бу корпоратив низолардир. Бу табиий ҳолатдир. Иқтисодиёт турли мулк шаклларига асосланар экан мулкдорлар ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ бўлган хусусан, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларига эътироз билдириш, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги, акцияларни бегоналаштириш, юридик шахсга етказилган зарарни қоплаш ва бошқалар билан боғлиқ низолар кўп учрайди. Шунинг учун корпоратив низоларнинг моҳияти ва медиация тартиб-қоидаларининг мақсадларидан келиб чиқиб, ушбу йўналишда медиациянинг афзалликларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

³ . Астахов П. А. За медиацией – будущее цивилизованного общества // Медиация и право, 2014. № 3 (33). С. 41.

Махфийлик. Ушбу тоифадаги ишлар кўп ҳолларда компаниянинг ички ишлари билан боғлиқ бўлиб, бошқарув тузилмаси ва бизнес стратегияларига таъсир қилади. Кўпинча томонлар мавжуд низо тўғрисидаги маълумотларни тарқатишдан манфаатдор эмас, бу эса юридик шахс ва иштирокчиларнинг ўз обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, бу уларнинг кейинги касбий фаолиятига халақит бериши мумкин. Бундай ҳолда, медиация процедурасининг махфийлиги суд муҳокамасининг ошкоралигидан устун келиб, бундай ҳолатда судни танлаш мутлақ ортикча ҳисобланади.

Конфликтнинг ҳар томонлама ёритилиши. Медиациянинг мақсадлари нафақат низони нейтраллаш, балки шериклик ва ишбилармонлик муносабатларини ривожлантириш, ишбилармонлик этикасини шакллантириш, ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиришдир. Бинобарин, ушбу тартибни қўллашда ким “ҳақ” ва ким “айбдор” эканлиги аниқланмайди, балки иккала томон учун ҳам уларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда вазиятдан чиқишнинг энг мақбул йўли изланади. Медиациянинг амалий хусусияти шундаки, томонлар, қоида тариқасида, ҳамкорликни давом эттирадилар ва ишбилармонлик муносабатларини яхшилаш йўллари қидирадилар. Шундай қилиб, воситачилик тартиби туфайли компаниянинг барқарорлиги ва умуман иқтисодий мавқеи сақланиб қолади.

Мослашувчанлик ва камроқ вақт. Суд жараёни ҳар бир босқич учун норматив равишда белгиланган муддатларга эга бўлган аниқ тартибга солинган тартиб билан тавсифланади. Умуман олганда, суднинг ишни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилишнинг бутун жараёни медиацияга қараганда анча кўпроқ вақтни талаб қилади.

С.А. Григорянц иқтисодий фаолият соҳасидаги медиация (воситачилик) фойдасига қуйидаги далилларни келтиради:

- вақтинчалик (воситачи муаммони тезда ҳал қилишга қодир);
- молиявий (бизнесдаги зиддият молиявий йўқотишлар, бизнес алоқаларини йўқотиш, капиталнинг акцияларга бўлиниши билан тўла);
- мағлуб томоннинг йўқлиги (медиация битими иккала томоннинг манфаатларини ҳисобга олишни ўз ичига олади);
- медиация тартиб-таомилининг махфийлиги (суд муҳокамасида тижорат маълумотларини ошкор қилиш эҳтимоли юқорилиги билан боғлиқ);
- эришилган воситачилик келишувининг ихтиёрий бажарилиши⁴.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, низоларни давлат судларида ҳал этиш билан таққослаганда медиациянинг қуйидаги афзалликлари мавжуд.

Биринчидан, ҳуқуқларни давлат судларида ҳимоя қилишнинг суд шаклидан медиация жараёнининг асосий фарқи медиаторнинг низонинг моҳиятига нисбатан ўз-ўзидан ҳеч қандай қарор қабул қилмаслиги ҳисобланади. Медиация доирасидаги барча қарорлар фақат тарафларнинг ўзаро розилиги асосида қабул қилинади. Судда низолар судьялар томонидан тарафлар учун мажбурий бўлган ва мажбурий тартибда ижро қилиниши мумкин бўлган қарорлар чиқариш йўли билан тугатилади.

⁴ . Григорянц С.А. Применение медиации как способа разрешения споров в сфере предпринимательства // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 2015. № 5 (60). С.83

Иккинчидан, судларда ишларнинг кўплиги ва ишларни кўриб чиқиш ойлаб чўзилганлиги туфайли медиация орқали низоларни ҳал этиш вақтнинг тежалишига олиб келади, кўпинча бир иш бўйича низолар иккинчи ва учинчи инстанцияда давом этади, ютқазган тараф суд ҳужжатлари устидан шикоят қилади. Юридик ёрдам олишга сарфланадиган харажатлар суд жараёнининг давом этиш муддати билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли низоларни тезкорлик билан ҳал қилиниши медиациянинг тежамкорлигини билдиради.

Учинчидан, медиация ўзгарувчан жараён ҳисобланиб, тарафлар низони кўриб чиқиш жараёнини ўз хоҳишига кўра тартибга солишлари мумкин, уларга муаммони муҳокама этиш учун эркин шароит яратилади. Шу билан бирга медиаторнинг ўзи ҳам тарафларга низони ҳал қилиш йўлини топишга ёрдам беради.

Тўртинчидан, суд ишининг оммавийлиги, ошкоралиги ва очиқлигидан фарқли равишда медиация жараёнига махфийлик хосдир. Тарафлардан олинган барча маълумотлар, «девордан ташқарига чиқмайди» ва медиаторнинг фаолияти тугагандан сўнг унинг барча ёзувлари йўқ қилиниши лозим.

Бешинчидан, суд қарорлари ҳар доим ҳам тарафлар истаган оқибатга олиб келмайди (камида бир тараф ишнинг натижасидан норозилигича қолади) ва бу ҳолат келажакда суд қарорларини нафақат ихтиёрий бажаришдан бош тортилишига, балки бажаришга мажбурий тўсқинлик қилинишига олиб келади. Медиация давомида барча қарорлар тарафларнинг икки томонлама келишувига кўра қабул қилинади ва иккала тараф ўзлари томонидан биргаликда қабул қилинган қарорларини ихтиёрий равишда бажариш мажбуриятини оладилар.

Олтинчидан, медиациянинг рад этиб бўлмайдиган устунликлари ичида тарафлар ўртасидаги яхши, дўстона муносабатларни сақлаб қолиш ҳисобланади. Медиация айниқса, мулкни тақсимлаш, эр-хотинлар, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш, меҳнат низоларини ҳал этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда самарали ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатларда медиация ва унинг қўлланилишидан кутилган натижаларнинг ижобийлиги ва жараённинг устун жихатларини келтириб ўтдик. Эндиликда, медиация жараёнини қўллашга қандай салбий омиллар таъсир кўрсатиши мумкин деган савол туғилиши табиий.

Бу саволнинг келиб чиқиши турли ҳуқуқ тизимларида ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинганлик даражаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг устунлиги, медиация тартиб-таомиллари қўлланиладиган соҳаларда вужудга келаётган низоларнинг хусусиятлари билан бирга жамиятдаги муҳит ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бундай сабаблар постсовет давлатлари ҳуқуқий тизимида кўпроқ мос тушади. Маҳаллий менталитетдан келиб чиққан ҳолда сабабларни таҳлил қилиш мумкин, бунда ишончсизлик руҳияти, ҳуқуқий маданиятнинг паст даражаси, низо субъектлари ўртасидаги зиддиятнинг юқори даражаси, низо келтириб чиқариш истаги, ҳуқуқбузарнинг суд орқали жавобгарликка тортилиши, тадбиркорларнинг бир-бирига ишончи йўқлиги, томонларнинг низоларни ҳал қилиш ва воситачилик шартномасини ихтиёрий равишда бажариш учун жавобгарликни ўз

зиммаларига олмасликлари ва энг кўп тарқалган тури низони фақатгина суд тартибида ҳал қилиш амалиётини устун қўйилишидир.

Медиациянинг ташкилий-иқтисодий камчиликлари унга қўшимча харажатлар, медиация тартибидан фойдаланиш мумкин бўлган низоларнинг чекланган тоифалари, медиаторлар сонининг етарли эмаслигини ўз ичига олади.

Медиация тартиб-таомилларининг мурожаат қилмасликнинг асосий сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак, ташкилий жихатдан низо иштирокчиларининг ушбу тартибнинг мавжудлиги, унинг янгилиги, хизматлар учун реклама йўқлиги тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслигини ўз ичига олади. Иқтисодий жихатдан медиатор хизматлари учун нархсларнинг оптималлаштирилмаганлиги, низода ҳақ бўлиб турган тарафнинг низони ҳал қилиш учун пул тўлашни истамаслиги, субъектив ёки психологик жихатдан эса медиациянинг янги соҳа эканлиги, аҳолининг ҳуқуқий маданиятининг паст даражаси, воситачига ишончсизлик, унинг профессионалиги ва низоларни ҳал қилиш сифатига шубҳаларни таъкидлаш. Бизнинг фикримизча, ушбу сабабларнинг барчаси биргаликда медиация тартиб-таомилдан фойдаланмасликда катта рол ўйнайди.